

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

БАРАКАЕВ ФАХРИДДИН НАЖМИДДИНОВИЧ

**ҚУЙМА УСУЛДА ЗАНГЛАМАС ПЎЛАТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН
ДЕТАЛЛАРНИНГ ЕЙИЛИШБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВА
УЛАРГА ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймакорлик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга
ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

БАРАКАЕВ ФАХРИДДИН НАЖМИДДИНОВИЧ

Қуйма усулда зангламас пўлатлардан олинадиган деталларнинг ейилишбардошлигини ошириш ва уларга термик ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

БАРАКАЕВ ФАХРИДДИН НАЖМИДДИНОВИЧ

Разработка технологии повышения износостойкости деталей получаемых из нержавеющей стали методом литья и их термической обработки19

Barakaev Fakhriddin Najmiddinovich

Development of technology for increasing the wear resistance of stainless steel parts and their heat treatment.....33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....37

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

БАРАКАЕВ ФАХРИДДИН НАЖМИДДИНОВИЧ

**ҚУЙМА УСУЛДА ЗАНГЛАМАС ПЎЛАТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН
ДЕТАЛЛАРНИНГ ЕЙИЛИШБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВА
УЛАРГА ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймакорлик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга
ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Т4656 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тураходжаев Нодир Джахонгирович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Халикулов Уткир Мирзакамалович**
техника фанлари доктори, доцент

Худояров Сулейман Рашидович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат техника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «29» декабр соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871) 207-14-64, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (71 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871) 207-14-64).

Диссертация автореферати 2025 йил «16» декабр куни тарқатилди.
(2025 йил «16» декабрдаги № 206 рақамли реестр баённомаси).

К.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Ш.Б. Ташбулатов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, доцент

Н.С. Дуняшин

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда зангламас пўлатлардан қўйма усулда олинадиган деталларнинг хизмат муддати, уларнинг мустаҳкамлиги ва ейилишга бардошлилигини ошириш ҳамда уларга термик ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳа ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Германия, Италия, Россия, Хитой, Япония каби мамлакатларни илмий-тадқиқот марказларида зангламас пўлатлардан машинасозлик деталларини қўйма усулда ишлаб чиқишда уларнинг юза каттиклигини ошириш асосида ейилишбардошлигини ошириш, зангламас пўлатларни суюқлантиришда ресурстежамкорликни таъминлаш ҳамда қўйма деталларга термик ишлов беришда энергия тежамкорликни таъминлаш, зангламас пўлатлардан олинаётган қўйма маҳсулотларнинг ейилишбардошлигини оширишда экология хавфсизлигини таъминлаш, ҳосил бўлган структуранинг донадорлигини талаб даражасида бўлишини таъминлаш, зангламас пўлатлардан олинадиган қўймаларнинг эксплуатацион хоссаларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда зангламас пўлатлардан қўйма усулда машинасозлик деталларини олиш жараёнида уларнинг ейилишбардошлигини таъминловчи барқарор структурани шакллантириш ҳамда термик ишлов бериш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан зангламас пўлатларни индукцион печларида суюқлантиришда ейилишбардошликни таъминлаш учун қўлланиладиган модификаторларнинг сарфини камайтириш, суюқлантириш даврида ресурс тежамкорликни таъминлаш учун суюқ ваннада эритиш технологиясини қўллаш, зангламас пўлатдан олинадиган қўйма маҳсулотларнинг ейилишбардошлигини ошириш учун янги модификатор турларини ишлаб чиқиш, қўйма маҳсулотларнинг мустаҳкамлигини ошириш учун уларга термик ишлов бериш режимлари такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан зангламас пўлатдан олинадиган қўйма маҳсулотларнинг ейилишбардошлигини ошириш учун қўлланиладиган модификаторларнинг янги такибини ишлаб чиқиш, қўйма маҳсулотларга термик ишлов бериш орқали барқарор структура шаклланишини таъминлаш, ресурс ва энергия тежамкорлигини таъминлайдиган технологияларни такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда машинасозлик зангламас пўлатлардан қўйма маҳсулотлар ишлаб чиқишда индукцион печларида суюқлантириш технологиясини такомиллаштириш, печ ичида зангламас пўлатларни ишлаб чиқаришда модификаторнинг тенг тақсимланишини таъминлаш, олинаётган қўймаларнинг ейилишбардошлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш, қўйма маҳсулотларнинг ейилишга бардошлилигини ошириш учун қўлланиладиган модификаторларнинг янги таркибини ишлаб чиқишда ва қўймаларнинг ишчи қисмларининг хизмат қилиш муддатларини

ошириш бўйича кенг илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда зангламас пўлатдан олинган қуйма маҳсулотларнинг, жумладан сув насоси қурилмаларининг ишчи қисмларини ишлаб чиқаришда босим остида қуйиш технологияларини такомиллаштириш ва уларга термик ишлов бериш режимларини оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим ҳисобланади. 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш асосида Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда насос қурилмалари ишчи қисмларини ишлаб чиқаришда қуйиш технологияларини такомиллаштириш ва термик ишлов бериш режимларини оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони¹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99 сонли “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307 сонли “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертатсия иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан зангламас пўлатдан машинасозлик деталларини ишлаб чиқаришда самарали технологияни яратиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан Америка пўлат ва темир институти AISI (American iron and Steel Institute) олиб борилган. Тадқиқотлар натижасида зангламас пўлатларни ишлаб чиқиш таркибни оптималлаштириш турли легирловчи элементларни (хром, никель, молибден, ванадий, ниобий, титан ва бошқалар) қўшиш орқали янги турдаги зангламас пўлатларни яратдилар. Бунда мустаҳкамлик, коррозияга чидамлик, ейилишга қаршилик ва бошқа хоссаларни яхшиланган. Огайо штати университети профессори Марк

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida to'g'risida"gi Farmoni

Гастингс (Марк Ҳастингс) зангламас пўлатлар ёрдамида илғор технологияларни қўллаш орқали мураккаб шаклли деталларни яратди. У пайвандлаш технологияларида зангламас пўлатларни пайвандлашнинг янги технологияларини яратиб, бу жараёнларни оптималлаштирди. Зангламас пўлатларни қайта ишлашнинг самарали ва экологик тоза усулларини ишлаб чиқиб, формовка (шакл бериш) жараёнида зангламас пўлатларга шакл беришнинг янги усулларини ишлаб чиқди. Массачусетс технология институти олими профессор Сэмюэл Аллен материалларнинг микроструктураси ва механик хоссалари ўртасидаги боғлиқликни ўрганади, шу жумладан 15Cr 4Ni 0.08C зангламас пўлатлар учун оптимал иссиқлик билан ишлов бериш режимлари 900-1100 °C ҳароратида 30, 60 ва 120 дақиқа давомида намланиши хром карбидларининг эриши натижасида доннинг ўсиши кузатилган донларнинг катталашиши, карбид зичлигини ошириб, материалнинг катиклигини яхшилашга эришган. Зангламас пўлатларнинг янги турларини ишлаб чиқиш бўйича Япониялик олимлар ҳам фаол илмий ишлар олиб боришмоқда. Япониялик олимларнинг зангламас пўлатлар соҳасидаги асосий тадқиқот йўналишлари, Юқори хоссали зангламас пўлатларни яратиш, таркибий оптималлаштириш орқали янги легирловчи элементларни қўшиш ва мавжуд элементларнинг нисбатини ўзгартириш орқали пўлатнинг мустаҳкамлиги, коррозияга, ейилишга бардошлиги ва бошқа хоссаларини яхшилашга ўз хиссаларини қўшиб келмоқда шу жумладан Миллий материаллар институти профессори Хироши Накадзима Юзани модификациялаш, Юза қатламининг таркиби ва тузилишини ўзгартириш орқали коррозияга қаршилиқни ошириш. Пассив қатламни ўрганиш, Зангламас пўлат юзасида ҳосил бўладиган пассив қатламнинг хоссаларини тадқиқ қилиш ва унинг коррозияга қаршилигини яхшилаш усуллари устида изланишлар олиб борган. Хитой Халқ Республикасининг Харбин технология институти профессори Фэн Шицзя зангламас пўлатларни юзасини қоплаш ПВД, СВД, термик пуркаш, электрохимёвий қоплаш каби технологиялар орқали ейилишга чидамли қопламалар яратиш ва наноструктурали қопламалар ва нанокөмпозит материалларни қўллаш орқали ейилишга чидамлиликни оширишга эришган. Циньхуа университети профессори Го Цзяньтин. У зангламас пўлатларнинг турли муҳитлардаги коррозия механизмларини (питтинг, щелевидли, межкристаллит, стресс-коррозия) чуқур ўрганиб коррозияга қарши усулларни электрохимёвий химоя, ингибиторлар, қопламалар ва бошқа усуллар орқали коррозиядан химоя қилиш ва юқори ҳароратли коррозия жараёнларини тадқиқ қилиш ва унга қарши материаллар ишлаб чиқиб биокоррозия тиббиёт ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган зангламас пўлатлар устида тадқиқотлар олиб борган. Германиялик олимлар Вольфганг Блейк, Франк Муклих, Маттиас Диттманн, Эрих Бауэр, Гюнтер Готтштейн, Кристиан Лоркелар томонидан зангламас пўлатларни ейилишбардошлигини ошириш кимёвий таркибини оптималлаштириш бўйича қуйидаги илмий – тадқиқотлар ишлари олиб борилган. Асосий эътибор зангламас пўлатларнинг юзасини қаттиқлаштириш, хусусан, азотлаш, борлаш, плазмали ишлов бериш каби усулларни қўллаб,

ейилишга қаршиликни оширишга қаратилган шунингдек ейилиш жараёнларини моделлаштириш, янги материаллар ва юзага ишлов бериш усулларини ишлаб чиқиш билан шуғуллаганлар ва термик ишлов бериш жараёнларини оптималлаштириш орқали материалларнинг механик хоссаларини яхшилашга эришганлар, шу жумладан янги легирловчи элементларни қўшиш ва деформация жараёнларини тадқиқ қилиш орқали пўлатларнинг хоссаларини яхшилашга ҳисса қўшганлар.

МДХ олимлари, жумладан Москва пўлат ва қотишмалар институти (МИСиС) профессор Юрий Колесников зангламас пўлатларларнинг микроструктура ва фазавий ўзгаришларини тадқиқ қилиб, зангламас пўлатларнинг таркибини оптималлаштириш, микроструктурани бошқариш, термик ишлов бериш усулларини такомиллаштиришга эришган.

Россия Фанлар Академиясининг Металлургия ва материалшунослик институти (ИМЕТ РАН) Профессори Олег Борисов металлларнинг коррозияси ва электрохимияси, зангламас пўлатларнинг коррозияга чидамлилиги, коррозия механизмлари ва химоя усуллари ва пассив қатламнинг хусусиятлари ва коррозия жараёнларини моделлаштиришга эришган. Урал федерал университети профессори Владимир Лебедев зангламас пўлатларнинг ейилиш механизмларини ўрганиш, юзани қаттиқлаштириш, қопламалар қўллаш ва легирлаш орқали ейилишга қаршиликни оширишга ва азотлаш, карбонитридлиш, PVD ва SVD каби қоплаш усулларини такомиллаштириш ва янги қоплама материалларини ишлаб чиқишга эришган.

Ўзбекистон олимлари А.А.Мухаммедов, Н.Д.Тураходжаев, Ф.Р.Норхуджаев, Д.М.Бердиев, Б.Қ.Тилабовлар турли марказдаги пўлатларнинг хоссаларини ошириш технологиялари устида илмий-тадқиқотларини олиб боришган. Жумладан зангламас пўлатлардан олинадиган қуйма маҳсулотларнинг механик хоссаларини 3-5% га ошириш имконига эга бўлишган.

Зангламас пўлат қуйма маҳсулотлар олишда юза қаттиқлиги ва ейилишбардошлигини ошириш соҳасида кўплаб илмий натижаларга эришилишига қарамай, ҳали ечимини топмаган муаммолар кўп. Жумладан, зангламас пўлат ейилишбардошлигига катта таъсир қилиши мумкин бўлган термик ишлов беришнинг оптимал режимлари ишлаб чиқилмаган. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун зангламас пўлатни суюқлантириш, печ ичида ва ундан ташқари уларга ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №9/2022 рақамли «Зангламас пўлатлардан ишлаб чиқилган деталларни таъмирлашда энергия тежамкорлигини таъминлайдиган технология ишлаб чиқиш» (2022-2023 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади зангламас пўлатлардан куйма усулида олинадиган машинасозлик деталларининг ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

зангламас пўлатларнинг хоссаларини ва қўлланилиш соҳаларининг таҳлил қилиш;

ейилишбардош юза ҳосил қилиш учун олиб борилаётган илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш;

куйма деталларнинг таъмирлаш жараёнида уларнинг ейилишга бардошлигини ошириш учун ишлатиладиган материалларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш;

зангламас пўлат деталларига печдан ташқари термик ишлов бериш меъёрларини ишлаб чиқилган;

зангламас пўлатлардан олинадиган деталларнинг нуқсонларини бартараф этиш ва деталларни тиклаш технологиясини ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Насос таъмирлаш» МЧЖ да қўлланиладиган зангламас пўлатдан ишлаб чиқилган насос лопаствлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети зангламас пўлатдан тайёрланган деталларни тиклашда қўлланиладиган механик ва термик ишлов бериш технологияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида зангламас пўлатлардан олинган машинасозлик деталларининг механик хоссаларини тадқиқ этишнинг замонавий назарий ва экспериментал усуллари, ИК-спектроскопия намуналарнинг структурасини ўрганиш, электрон микроскоп ёрдамида фойдаланиш ёрдамида деталлардаги структуравий ўзгаришларни аниқлаш ҳамда куйма усулда олинган зангламас пўлат намуналарининг ейилишбардошлик даражасини аниқлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

куйма деталларнинг таъмирлаш жараёнида уларнинг ейилишга бардошлигини ошириш учун ишлатиладиган материалларнинг оптимал таркиби таъмирланаётган зонадаги материалнинг кимёвий таркиби билан ишлатилаётган материал орасида юқори ҳароратларда кечаётган кимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўладиган бирикмаларнинг ейилишбардошлиги асосида ишлаб чиқилган;

зангламас пўлат деталларига печдан ташқари термик ишлов бериш меъёрлари, ишлов берилаётган деталларни термик печларга юклаш жараёнида технологик узлуксизликни таъминлаш, структура шаклланишини барқарор бошқариш ва иссиқлик циклининг самарадорлигини ошириш асосида ишлаб чиқилган.

зангламас пўлатлардан олинадиган деталларни тикланаётган қисм ва ишлов бериш материали ўртасида ҳосил бўладиган кимёвий бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, уларнинг барқарорлиги ва ўзаро таъсир механизмлари асосида ишлаб чиқилган.

зангламас пўлатларни индукцион печларда суюқлантиришнинг энергетикалик режими печ ичида қолдириладиган суюқ металнинг ҳароратини барқарор сақлаб туриш режимида қўйиладиган технологик талабларни меъёрлаш асосида, иссиқлик йўқотишини минималлаштирувчи ва электр қуввати сарфини оптималлаштирувчи параметрлари асосида ишлаб чиқилган;

зангламас пўлатларни индукцион печда ушлаб туриш режими суюқ қотишманинг ҳарорати, печдаги ҳажми ва иссиқлик йўқотиш коэффициентининг печ футеровкаси материалга боғлиқлиги асосида, улар ўртасидаги ўзаро термодинамик ва теплофизик муносабатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

зангламас пўлатлардан олинган деталларни таъмирлашда ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган;

зангламас пўлатлардан олинган деталларнинг хизмат муддатини оширишни таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аниқ қўйилган вазифа асосида олинган маҳсулотларнинг физик ва технологик ҳоссаларини ўрганишда замонавий ИК-спектроскопия, электрон микроскоп, рентгенография ва дифференциаль-термик таҳлил усуллари ёрдамида аниқланган натижалар билан таққослаш орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти зангламас пўлатлардан тайёрланган деталларни тиклашда асос материал билан тиклаш учун қўлланиладиган материал орасидаги мутаносибликнинг кимёвий таркиб ва ишлов бериш ҳароратига боғлиқлик даражасининг ишлаб чиқилиши билан изоҳланади;

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти зангламас пўлатдан ишлаб чиқилган деталларнинг хизмат муддатини 7-8% га оширилишини таъминлайдиган технологиясининг ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қуйма усулда зангламас пўлатлардан олинадиган деталларнинг ейилишбардошлигини ошириш ва уларга термик ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қуйма деталларнинг таъмирлаш жараёнида уларнинг ейилишга бардошлигини ошириш учун ишлатиладиган материалларнинг таркиби “Насос таъмирлаш” МЧЖ га жорий қилинган («ЎзР сув хўжалиги Вазирлигининг Аму-Бухоро Машина каналдан фойдаланиш бошқармаси»нинг 2023 йил 18 апрелдаги №03-721-сон маълумотномаси). Натижада деталларнинг ейилишбардошлиги 8-10% га ошган;

зангламас пўлат деталларига печдан ташқари термик ишлов бериш меъёрлари “Насос таъмирлаш” МЧЖ га жорий қилинган («ЎзР сув хўжалиги Вазирлигининг Аму-Бухоро Машина каналдан фойдаланиш бошқармаси»нинг 2023 йил 18 апрелдаги №03-721-сон маълумотномаси). Натижада ишлов беришдаги энергиятежамкорлик 11-13% га ошган;

зангламас пўлатлардан олинадиган деталларни тиклашнинг янги технологияси “Насос таъмирлаш” МЧЖ га жорий қилинган («ЎзР сув хўжалиги Вазирлигининг Аму-Бухоро Машина каналидан фойдаланиш бошқармаси»нинг 2023 йил 18 апрелдаги №03-721-сон маълумотномаси). Натижада деталларнинг хизмат муддати 7-8% га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида ва симпозиумларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, шу жумладан 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Зангламас пўлатлардан олинган машинасозлик деталларининг ейилишбардошлигини ошириш бўйича дунё олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида жаҳонда замонавий ишлаб чиқариш шароитида зангламас пўлатлардан ейилишбардош машинасозлик деталларини ишлаб чиқариш, машинасозлик деталларини қуйма усулда ишлаб чиқаришда ресурс тежамкорлигини таъминлаш, олинаётган зангламас пўлатларнинг ейилишбардош структурасини ҳосил қилишда самарали технологияларни қўллаш масалалари таҳлил қилинган.

Чет эл ҳамда республикамиз олимларининг зангламас пўлатлардан олинадиган деталларнинг қаттиқлиги, мустаҳкамлиги ва ейилишбардошлигини ошириш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлар ишлари таҳлил қилинган ва ўрганилган.

Ушбу диссертацияда келтирилган технологиялар, насос деталларини қўшимча элемент билан модификациялаш, деталларнинг юза қаттиқлигини термик ишлов бериш асосида ошириш технологияси керакли даражада ўрганилмаганлиги аниқланди.

1-боб бўйича хулосалар.

Зангламас пўлатлардан қўйма маҳсулотлар олишда юза қаттиқлиги ва ейилишбардошлигини ошириш соҳасида кўплаб илмий натижаларга эришилишига қарамай, ҳали ечимини топмаган муаммолар кўп. Жумладан, зангламас пўлатлардан ейилишбардошлигига катта таъсир қилиши мумкин бўлган модификатор ва термик ишлов бериш режимлари билан таъминлайдиган технологияси ишлаб чиқилмаган. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун зангламас пўлатлардан олинган деталларга самарали термик ишлов бериш технологияни ишлаб чиқиш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Диссертациянинг «Тадқиқот объектини танлаш ва зангламас пўлатларнинг структурасини тадқиқ қилиш методикасини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектини танлаш, қўлланиладиган маҳсулотларнинг асосий физикавий ва кимёвий хоссаларини ёритиб бериш ҳамда физик-механик, кимёвий ва физикавий хоссаларинини ўрганишда замонавий усул ва дастгоҳлардан (ИК-спектроскопия, электрон микроскоп, гранулометрик таҳлил) фойдаланилганлик ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида «Насос таъмирлаш» МЧЖ ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилаётган зангламас пўлатдан тайёрланган ишчи ғилдирак танланган. Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илғор технологиялар маркази лаборатория шароитида фазаларни идентификацияси ҳамда бир ёки бир нечта аниқ тасвирлар ҳосил қилиш ва сирт хоссалари аниқлашни сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ-Зеисс ЕВО МА 10 (Сарл Зеисс)) ва (Емпйреан Малверн Паналйтисал) интеллектуал дифрактометри асосида ўтказилган.

Қотишмаларнинг механик хоссаларини аниқлашда “Р-50 М” рақамли автотехника машинаси ёрдамида амалга оширилган.

Олинган намунанинг қаттиқлиги металл ва қотишмаларнинг қаттиқлигини ўлчаш учун мўлжалланган (Дура Висион-20) рақамли қурилма орқали аниқланган.

Тадқиқот натижасида олинган намуналарни ейилишбардошликга чидамлилигини синаб кўриш учун “Металлар технологиялари” кафедрасининг илмий лабораториясида мавжуд ейилишбардошлик қурулмасида аниқланди. Бунда олинган намуналарни махсус тарозида соф оғирлиги ўлчаниб махсус қисқич ёрдамида қистириб ҳар бир микрошлифни 5-10-15 дақиқа вақт оралиғида 3 марта айланма ҳаракатланадиган олмос тошига ушлаб турилди. Ҳар бир жараёндан сўнг масса йўқотилиши қайд қилиб борилди.



Расм 3.3. Намуналарнинг ейилишбардошлигини аниқлаш учун қўлланилган жихоз.

Тадқиқот объектдан кесиб олинган намуналарни ейилишбардошлик лаборатория қурулмасига ўрнатиб махсус қисқич ёрдамида олмос тошга ён юзани 3 мартаба 5-10-15 дақиқа ушлаб турилди. Тадқиқот натижалари жадвалда келтирилган.

Соф оғирлиги, гр.		Масса йўқотилиши, mgr.
1	84	15
2	84	11
3	84	9

Шундай ҳолда ҳар бир тадқиқот натижалари учун намуналар олиниб, ейилишбардошлик қурулмасида текширилиб чиқди.

Соф оғирлиги, гр.		Масса йўқотилиши, mgr.
1	82	30
2	82	26
3	82	20

2-боб бўйича ишлаб чиқилган хулосалар.

1. Ишчи юзанинг қаттиқлиги махсус ейилишбардошликни аниқлайдиган ускуна ёрдамида ўтказилиши танлаб олинди.

2. Олинган намунанинг қаттиқлиги металл ва қотишмаларнинг қаттиқлигини ўлчаш учун мўлжалланган (Дура Висион-20) рақамли қурилма орқали аниқлаш танлаб олинди.

3. Зангламас пўлатдан ишлаб чиқиладиган деталларнинг қаттиқлиги “Р-50 М” русумли қурилма ёрдамида аниқланиш усули танлаб олинди.

Диссертациянинг «Зангламас пўлатларнинг ейилишбардошлигини ошириш ва уларга термик ишлов бериш режимини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари» деб номланган учинчи боби зангламас пўлатдан тайёрланган насос деталларининг юза қаттиқлиги ва ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқиш, электр-шлак усулида зангламас пўлатлардан тайёрланадиган насос деталининг емирилган қисмини тиклаш учун қўлланиладиган материал кимёвий таркиби ва деталга термик ишлов бериш режимларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотларга бағишланган.

Ишлаб чиқариш корхоналарида ейилиш сабабли ишдан чиққан зангламас пўлатлардан тайёрланган насос лопастрларини пайвандлаш усулида тиклаб келинади. Ушбу технология асосида темир йўл ғилдирак ва ейилишбардошлиги юқори талаб этиладиган бошқа деталларини тиклаш учун кенг қўлланиб келинган. Ушбу технология асосида насос лопастрларини ҳам таъмирлаш йўлга қўйилган бўлиб, ишлаб чиқариш корхонасида кенг қўлланилиб келинмоқда. Бунда қуйидаги технология қўлланилади:

зангламас пўлатдан тайёрланган насоснинг лопастидаги ейилган қисми остки электрод сифатида печнинг остки қисмига ўрнатилади ва катод вазифасини бажаради. Лопстнинг ейилган юзаси юқорига қаратилган ҳолда бўлиши таъминланади. Устки электрод сифатида шу маркадаги зангламас пўлатдан тайёрланган тўртбурчак кўндаланг кесимга эга бўлган электрод қўлланилади. иккала электрод орасида махсус флюс солинади ва шу флюсдан ўтган ток ҳисобига юқори ҳарорат ҳосил қилинади. Юқори электроднинг суюқланган қисмлари флюс, яъни шлак орқали ўтиб деталнинг ейилган қисмини тўлдиради ва совутилган деталга механик ишлов бериш асосида керакли шакл ҳосил қилинади. Ушбу усул жуда қулай ва самарадор бўлишига

карамай бир нечта камчиликларга эга, жумладан суюқланган юқори электрод, яъни анод шлакдан ўтиб остки лопастининг ейилшган қисмини тўлдириш даврида асосий детал материали билан тўлдирувчи материалнинг кимёвий таркибида фарқ юзага келади. Бунинг асосий сабаби устки электроднинг суюқланиш даврида баъзи элементларнинг қисман куйишидир. Айниқса хром, марганец, никел каби элементларнинг кичик миқдорда ҳам куйиши натижасида икки материал орасида номутаносиблик юзага келади ва кимёвий бирикмада нуқсонлар вужудга келади. Яна бир камчилик шундан иборатки, остки детал устки қотишма тўлдирувчи сифатида етиб келгунига қадар қаттиқ оксид пардасини ҳосил қилади ва икки қават орасида парда ҳосил бўлади. Ушбу камчиликни бартараф этиш учун “насос таъмирлаш” корхонасида ва Тошкент давлат техника университетининг “Металлар технологиялари” кафедрасининг илмий лабораториясида қатор тадқиқот ишлари олиб борилди. Ушбу тадқиқотлар суюқлантириш технологиясини такомиллаштириш асосида зангламас пўлатлардан тайёрланган лопастиларнинг ейилган қисмини тиклаш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Ушбу тадқиқотлар шлак ҳосил қилиш ҳароратини оптималлаштиришга қаратилган бўлиб, тадқиқотлари куйидагини ўз ичига олган: остки ва устки катод ва анод вазифаларини бажарувчи зангламас пўлат қисмларининг орасида электр ёй ҳосил қилинади. Бунда шлак вазифасини бажарувчи флюс электр-ёй ҳосил бўлиб, унинг ҳарорати 1800-2200 0С га етганидан кейин юкланадиганга етганидан кейин юкланади.

Ушбу марқадаги зангламас пўлатларга ананавий равишда куйидаги термик ишлов берилади: 960-1020 0С да сув муҳитида тоблаш ва 680-780 0С ҳароратда ҳаво муҳитида бўшатиш. Шу билан бирга юза қисми тикланган деталларда ҳосил бўладиган ички зўриқиш кучларини йўқотиш учун бу усул етарли эмас, сабаби асосий детал билан юзага қопланган қисми орасида ҳосил бўладиган оксидларнинг механик хоссаларга салбий таъсирини бартараф этиш учун янги термик ишлов бериш режимлари керак. Тадқиқот ишининг кейинги босқичида зангламас пўлатдан тайёрланган лопст деталининг емирилган юзасини электр-шлак усулида тўлдириш эвазига ҳосил бўлган деталга оптимал режим ишлаб чиқиш учун Тошкент давлат техника университетининг “Металлар технологиялари” кафедрасининг илмий лабораториясида сув ёрдамида тоблашнинг 1000-1050 0С, 1050-1100 0С ва 1100-1150 0С режимлари тадқиқ қилинди. Олинадиган намуналарнинг вазни тенг қабул қилинди ва уларнинг ўртача вазни 75 граммни ташкил этди. Бунда зангламас пўлатдан тайёрланган лопастининг емирилган қисмидаги қоплама материал билан асосий қисм ўртасидаги бирикма ҳосил бўлиши мақсад қилинган. Сабаби 960-1020 0С ҳароратда термик ишлов бериш асосий материал учун кифоя, лекин деталнинг қопламали қисми учун етарли ҳарорат эмаслиги эканини ишлаб чиқаришдаги тажриба кўрсатди. Яъни емирилган қисмни ямагандан кейин катта юкланишлар остида 3-5 ой давомида кўчиш содир бўлди. Шундай қилиб куйидаги термик ишлов бериш амалга оширилди:

1-босқич учун

1-тадқиқот учун ҳарорат 750 0С гача соатига 100 0С тезликда қиздирилди. Ҳарорат 750 0С га етганида 2 соат ушлаб турилди. Кейин яна соатига 100 0С тезликда 1000 0С гача қиздирилди ва 4 соат давомида ушлаб турилди. Шундан сўнг маҳсулот сувга солинди ва 10-12 сония давомида сувда сақланди. Кейин эса ички зўриқиш кучларини йўқотиш мақсадида детал печ ичида 650 0С ҳароратга қиздирилиб, ҳавода совутилди. Олинган натижаларни таққослаш учун ҳар бир тадқиқот намунасидадан ейилишбардошликни аниқлаш учун намуналар олинди.

2-тадқиқот учун 800 0С гача соатига 100 0С тезликда қиздирилди. Ҳарорат 800 0С га етганида 2 соат ушлаб турилди. Кейин яна соатига 100 0С тезликда 1000 0С гача қиздирилди ва 4 соат давомида ушлаб турилди. Шундан сўнг маҳсулот сувга солинди ва 10-12 сония давомида сувда сақланди. Кейин эса ички зўриқиш кучларини йўқотиш мақсадида детал печ ичида 650 0С ҳароратга қиздирилиб, ҳавода совутилди. Олинган натижаларни таққослаш учун ҳар бир тадқиқот намунасидадан ейилишбардошликни аниқлаш учун намуналар олинди.

3-тадқиқот учун ҳарорат 850 0С гача соатига 100 0С тезликда қиздирилди. Ҳарорат 850 0С га етганида 2 соат ушлаб турилди. Кейин яна соатига 100 0С тезликда 1000 0С гача қиздирилди ва 4 соат давомида ушлаб турилди. Шундан сўнг маҳсулот сувга солинди ва 10-12 сония давомида сувда сақланди. Кейин эса ички зўриқиш кучларини йўқотиш мақсадида детал печ ичида 650 0С ҳароратга қиздирилиб, ҳавода совутилди. Олинган натижаларни таққослаш учун ҳар бир тадқиқот намунасидадан ейилишбардошликни аниқлаш учун намуналар олинди.

3 боб бўйича хулосалар.

1. Зангламас пўлатдан тайёрланган насоснинг ишчи ғилдиракларининг ейилган қисмини тиклаш учун қўлланиладиган материал таркибида асосий деталнинг таркибига нисбатан хром 1-2% га ва никель 0,5-0,6% га кўпроқ юўлиши тавсия этилади.
2. Зангламас пўлатдан тайёрланган насоснинг ишчи ғилдирагининг емирилган қисмини тиклаш учун электр-шлак печидан фойдаланишда суёқ қотишмани 2100 С ғоратгача қиздириш тавсия этилади.
3. Зангламас пўлатлардан тайёрланган ишчи ғилдиракга термик ишлов беришда соатига 100 С тезликда қиздириш, 850 С га етганида 2 соат ушлаб туриш ва яна соатига 100 С тезликда 1100 С гача қиздириш ва 4 соат шу ҳароратда ушлаб туриш тавсия этилади. Совутишда эса сув муҳитида тобланади.
4. Зангламас пўлатдан тайёрланган насоснинг ишчи ғилдирагида ҳосил бўлган зўриқиш кучларини бартараф этиш учун ҳавода бўшатиш тавсия этилади.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқилган технологияни ишлаб чиқариш шароитига жорий қилиш ва унинг математик моделини тузиш**» деб номланган тўртинчи бобида зангламас пўлатдан олинадиган машинасозлик деталлари ишчи юзаларининг ейилишбардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги ва апробациядан ўтганлиги ҳақида

маъхлумотлар келтирилган.

“Насос таъмирлаш” ишлаб чиқариш корхонасига ишлаб чиқилган технологияни жорий қилиш учун корхонада қўлланилаётган технологияга ўзгартириш киритиш керак бўлди, жумладан зангламас пўлатдан тайёрланган насоснинг ишчи ғилдирагидаги ҳосил бўлган ейилган қисмининг устига шлак тўкиш усулидан воз кечилди. Бунинг ўрнига насоснинг ишчи ғилдираги деталини (вазни 100 кг) ейилиш характердаги нуқсони билан печнинг остки қисмига ўрнатилди. Электр-ёй ҳосил қилиш учун ва электр манбасига 1000 КВт лик трансформатор орқали катод сифатида уланди. Устки электрод (вазни 25 кг) шу манбага анод сифатида уланди ва ҳарорат 2100 С га етгунга қадар ушлаб турилди. Ҳарорат 2100 С га етганида 8-10 сония ушлаб турилди ва тўлдирувчи флюс 6,5 кг миқдорда юкланди. Натижада насос ишчи ғилдирагидаги емирилган қисмини таъмирлашда самарадорликга эришилди. Бу самарадорлик биринчи навбатда зангламас пўлатдан тайёрланган насос ишчи ғилдирагининг хизмат муддатини 45-55% га ошириш имконини берди. Бу эса ўз навбатида иқтисодий самарадорликни хар бир ишчи ғилдираги учун 3 миллион сўмга оширди. Бир йил мобайнида тикланган ишчи ғилдиракларнинг сони 262 тани ташкил этишини ҳисобга олсак, ишлаб чиқилган технологиянинг қўлланилиши эвазига олинган йиллик иқтисодий самарадорлик $3\,000\,000 \times 262 = 786\,000\,000$ сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

Ишлаб чиқариш шароитида электр-шлак усулида зангламас пўлатдан тайёрланган насоснинг ишчи ғилдирагини таъмирлаш учун қўлланиладиган технологиянинг математик модели ишлаб чиқилди. Математик моделни тузишда Лагранжнинг интерполяцион кўпҳадини тузиб чиқилди. Яъни масала алгебраик тенгламалар системасига келтирилиб, номаълум коэффициентларни аниқлаш билан самарадорлик функциясини кўпҳад шаклида ифодалаш билан кечади.

$$\begin{bmatrix} 1 & x_0 & x_0^2 & \dots & x_0^n \\ 1 & x_1 & x_1^2 & \dots & x_1^n \\ \vdots & \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ 1 & x_n & x_n^2 & \dots & x_n^n \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} a_0 \\ a_1 \\ \vdots \\ a_n \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} y_0 \\ y_1 \\ \vdots \\ y_n \end{bmatrix} \quad (1)$$

тенгламада $n=3$ бўлиб, вектор тенглама

$$\begin{bmatrix} 1 & T_1 & T_1^2 \\ 1 & T_2 & T_2^2 \\ 1 & T_3 & T_3^2 \end{bmatrix} \cdot \begin{bmatrix} a_1 \\ a_2 \\ a_3 \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} \lambda_1 \\ \lambda_2 \\ \lambda_3 \end{bmatrix} \quad (2)$$

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ БЎЙИЧА УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

«Қуйма усулда зангламас пўлатлардан олинадиган деталларнинг ейилишбардошлигини ошириш ва уларга термик ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фалсафа доктори (ПхД) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Зангламас пўлатдан тайёрланган насос ишчи ғилдирагининг ейилган қисмини тиклашда қўлланиладиган материалнинг таркиби ишлаб чиқилди. Бу ейилган қисмларни тиклашнинг самарали технологияларини ишалаб чиқиш имконини беради.

2. Зангламас пўлатдан тайёрланган насос ишчи ғилдирагининг ейилган қисмини тиклашда электр-шлак усулини қўллашнинг янги технологияси ишлаб чиқилди. Бу ейилган қисмларни тиклашда қўлланиладиган флюсларни иқтисод қилиш имконини беради.

3. Зангламас пўлатдан тайёрланган насос ишчи ғилдирагининг ейилган қисмини тиклашда қўлланиладиган термик ишлов беришнинг янги режимлари ишлаб чиқилди. Бу тикланган ишчи юзанинг мустаҳкамлигини ошириш учун хизмат қилади.

4. Зангламас пўлатдан тайёрланган насос ишчи ғилдирагининг ейилган қисмини тиклашда қўлланиладиган флюснинг таркиби ишлаб чиқилди. Бу ейилган қисмларни тиклашда қўлланиладиган кимёвий элементларни қотишма таркибига киритишнинг самарасини ошириш имконини беради.

5. Зангламас пўлатдан тайёрланган насос ишчи ғилдирагининг ейилган қисмини тиклашда қўлланиладиган технологиянинг математик модели тузилди. Бу ейилган қисмларни тиклашнинг технологияларини ишлаб чиқишда ўтказиладиган тадқиқотлар сонини 10 мартагача камайтириш имконини беради.

6. Зангламас пўлатдан тайёрланган насос ишчи ғилдирагининг ейилган қисмини тиклашда қўлланиладиган технологиянинг “Насос таъмирлдаш” корхонасига жорий қилиш асосида йилига 750 миллион сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НОВАЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

БАРАКАЕВ ФАХРИДДИН НАЖМИДДИНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ ИЗНОСОСТОЙКОСТИ
ДЕТАЛЕЙ ПОЛУЧАЕМЫХ ИЗ НЕРЖАВЕЮЩЕЙ СТАЛИ МЕТОДОМ
ЛИТЬЯ И ИХ ТЕРМИЧЕСКОЙ ОБРАБОТКИ**

05.02.01 –Материаловедение в машиностроении. Литейное производство. Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия чёрных, цветных и редких металлов. Технология уникальных, редких и радиоактивных элементов (по направлению литейного производства и технологии обработки металлов)

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2024.2.PhD/T4656

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Зиёнет» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Тураходжаев Нодир Джахонгирович**
доктор технических наук, профессор

Официальные
оппоненты: **Халикулов Уткир Мирзакамалович**
доктор технических наук, доцент

Худояров Сулейман Рашидович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **Андижанский государственный технический институт**

Защита диссертации состоится « 29 » « Декабрь 2025 г. в 13 часов на заседании Научного совета ДСс. 03/30.12.2019.Т.03.04 при Ташкентском государственном техническом университете и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс:(99871) 207-14-64, e-mail: (tadqiqotchi@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № 71) (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 207-14-64).

Автореферат диссертации разослан « 16 » Декабрь 2025 года.
(реестр протокол рассылки № 206 от « 16 » Декабрь 2025 года).

К.А.Каримов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

Ш.Б.Ташбулатов
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, доцент

Н.С.Дуняшин
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

